



ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙӮЛЛАРИ

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a73

Салимов Акмал Алимжонович -
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, "Спорт менежменти ва иқтисодиёт" кафедраси доценти

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда охирги йилларда олий таълим тизимини ривожланиши тенденциялари, уни самарали бошқаруви ҳамда амалга оширилган ислоҳотлар натижалари таҳдил қилинганд. Олий таълим тизимини ривожлантириши ва самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: олий таълим тизими, ECTS тизими, TXCK, HEMIS, олий таълим жараёнларини бошқариш.

РЕФОРМЫ РЕАЛИЗУЕМЫЕ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ И ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ИХ ЭФФЕКТИВНОСТИ

Салимов Акмал Алимжонович -
Доцент кафедры «Спортивного менеджмента и экономики» Узбекского государственного университета физической культуры и спорта

Аннотация. В статье анализируются тенденции развития системы высшего образования в нашей стране за последние годы, ее эффективное управление, результаты проведенных реформ. Разработаны предложения и рекомендации по развитию и совершенствованию системы высшего образования.

Ключевые слова: система высшего образования, система ECTS, классификация международных стандартов образования, HEMIS, управление процессами высшего образования.

REFORMS IMPLEMENTED IN THE SYSTEM OF HIGHER EDUCATION AND WAYS TO IMPROVE THEIR EFFECTIVENESS

Salimov Akmal Alimjonovich -
Uzbek state university of physical culture and sports, Associate Professor of the Department of Sports Management and Economics

Annotation. The article analyzes the trends in the development of the higher education system in our country in recent years, its effective management, and the results of the reforms carried out. Proposals and recommendations for the development and improvement of the higher education system have been developed.

Key words: higher education system, ECTS system, classification of international education standards, HEMIS, management of higher education processes.

Кириш. Дунёда таълим тизимини ривожланиш тажрибаси, мамлакатлар тараққиётини таъминлашнинг асосий кучи сифатида кадрлар, уларнинг билими, салоҳияти, мамлакатдаги мавжуд ресурслардан қай даражада самарали фойдаланиши, ўз вақтида қарор қабул қила олиши билан боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда ҳамда бунинг амалий ифодаси сифатида жаҳон миқёсида таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилаётганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” фармонининг 1-иловаси билан тасдиқланган “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 4-боби “Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш”га қаратилган бўлиб, унда олий таълим тизимини

ривожлантириш, олий таълим муассасаларига қамров даражасини ошириш, олий таълим муассасаларини QS ва THE халқаро рейтингларига кириши учун тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳар бир ҳудудда нодавлат олий таълим муассасалари сонини кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилган.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида таъкидлаганидек, “...биринчи навбатда, эътиборни Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-кувватлашга қаратамиз. “Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади”[1]. Шу жиҳатдан, ўзгараётган Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантириш муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа ҳисобланади.

Жумладан, БМТнинг 2030 йилгача Барқарор Ривожланиш Мақсадларида таъкидланганидек, олий таълим жаҳонда барқарор иқтисодий ўсишнинг етакчи омилига айланмоқда. Шу туфайли кейинги йилларда юқори малакали кадрлар тайёрлаш суръати жаҳонда сақланиб, 2030 йилга бориб, олий ўқув юртлари талабаларининг прогноз сони 414 миллион кишига етади ва у 2000 йилга нисбатан 4,2 баробарга қўпдир[2]. Бу эса ўз навбатида таълим тизимини янада ривожлантириш, шу билан бирга таълим хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш ва бу орқали кадрлар тайёрлаш сифатига жиддий ёзтибор қаратишни тақозо этмоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Олий таълим тизимини ривожлантириш, таълим сифатини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ва таълим хизматлари бозорини ривожлантириш, олий таълим менежменти бўйича иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан ўзларининг илмий-тадқиқотларида турли қарашлар ва фикрлар келтириб ўтилган.

Жумладан, XIX асрнинг сўнгги йилларида инглиз иқтисодчиси, иқтисодий таълимотнинг неоклассик йўналиши асосчиларидан бири А.Маршал "...билим ишлаб чиқаришнинг энг кучли двигателидир. У ўзига табиатни бўйсундиришга ва унинг кучларини бизнинг эҳтиёжларимизни қондиришга сафарбар этиш имконини яратади" деган тушунчани илгари суради[3].

Э.Денисон тадқиқотларига кўра, ишчи кучининг сифатини оширишга таъсир кўрсатувчи асосий омил таълим тизимининг ривожланиши саналса[4], П.Дракернинг фикрича, ҳозирги кунда "билимлар капитал ва ишчи кучини четга суриб, ишлаб чиқаришнинг етакчи омилига айланмоқда" [5].

Иқтисодчи олимлар М.В. Богуславский ва Е.В. Неборскийнинг фикрича, таълимнинг глобаллашуви, сиёсий рисклар, ресурслар муаммоси, марказ ва чекка ҳудудлар ўргасидаги номутаносиблиқ, бюрократия ва самарали бошқарувнинг йўқлиги каби энг муҳим муаммоларни ҳисобга олмай туриб, Россияда олий таълим тизимини ривожлантириш концепциясини тузиб бўлмайди[6].

Л.Власкин ва Л.Гринбергнинг илмий изланишларида олий таълимнинг сифати кўп қиррали, кўп даражали ҳамда динамик тушунча бўлиб, у таълим моделининг мазмуний бирлигига, муассасанинг миссия ва вазифаларига ҳамда ўзига хос маълум стандартларга боғлиқдир [7] деб таъкидланади.

А.Каримов, Л.Перегудов ва М.Сайдовнинг фикрларича, олий таълим соҳасида сифат кўп қиррали концепция ҳисобланади. У таълим соҳасидаги барча функция ва фаолият турларини, жумладан ўқув ва академик дастурлар, илмий

тадқиқотлар, стипендиялар, мутахассислар билан тўлиқ таъминланганлик ҳолати, бино ва иншоотлар, моддий-техник база ва жиҳозлар, жамият ва академик мухит фаровонлиги йўлидаги барча чора-тадбирларни қамраб олиши лозим [8].

Н.К.Шеметова илмий тадқиқот изланишларида олий таълим муассасаси маркетинг стратегиясини баҳолашнинг асосий йўналишларини ҳамда маркетинг фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиш кўрсаткичларини[9], Э.Де Корте эса ўз тадқиқотларида Фарбий Европа мамлакатларининг намунаси сифатида олий таълим муассасаларида таълим сифатини баҳолашнинг Голландия тизимини ўрганиш асосида университетларда сифатни баҳолаш амалиётини таклиф этади[10].

Хориж ва мамлакатимиз олимларининг илмий тадқиқотларида олий таълим тизимини ривожланиши, олий таълим сифати, унинг бошқарув самарадорлиги ва маркетинг стратегияларига оид илмий ишлари таҳлили ва аҳамияти ёритиб берилган. Бироқ, мамлакатимиз олий таълим тизимида амалга оширилган сўнгги ислоҳотлар ва уларни самарадорлигини ошириш бўйича етарлича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Тадқиқот методологияси. Мамлакатимиз ва ривожланган мамлакатлар олимларининг илмий назариялари ва ёндашувлари, Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасига оид хукуқий-меъёрий ва бошқа хужжатларда акс этган ёндашувлар тадқиқот услубиятини ташкил этади. Шу билан бирга, мазкур тадқиқот ишида индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, тақослаш, статистик гуруҳлаш, иқтисодий таҳлил, жадвал усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизнинг ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий-иктисодий соҳаларида, шунингдек таълим тизими, жумладан олий таълим тизимида туб ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Таълим соҳасини ривожлантириш, уни жаҳон андозаларига мос равища ислоҳ қилиш, билим, малака ва кўнинмаларга эга замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш таълим сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилаб олинди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" ПФ-5847-сон фармони имзолangan бўлиб, унга асосан Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича йўл харитаси тасдиқланди. Концепцияга мувофиқ олий таълим

тизимини ривожлантириш бўйича қўйидаги йўналишлар белгиланди. Жумладан:

олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, таълим жараёнига раҳамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш, олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фанинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш, олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, коррупцияга қарши курашиш ва шаффоффликни

таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш, олий таълим тизимининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, халқаро миқёса танилиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш.

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида асосий эътибор талаба-ёшларнинг таълим олиши учун кенг имконият ва зарур шароит яратишга қаратилмоқда. Натижада, ўтган 6 йил мобайнида олий таълим ташкилотлари сони 77 тадан 199 тага етганини кўриш мумкин. Ўтказилган ислоҳотлар ҳамда олий таълим тизимида хукумат даражасидаги юксак эътибор натижасида 2022 келиб, давлат олий таълим муассасалари сони 114 тага, нодавлат олий таълим муассасалари сони 65 тага ҳамда хорижий олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари сони 30 тага етганини кўриш мумкин (1-расм).



1-расм. 2017-2022 йилларда олий таълим ташкилотлари сони тўғрисида маълумот
Манба: олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида 34 539 нафар профессор-ўқитувчи таълим бермоқда. Улардан 13 450 нафари илмий даражага эга бўлиб, шундан 2 799 нафарини фандокторлари (DSc), 10 651 нафарини фалсафа докторлари (PhD) ташкил этади (илмий даражали профессор-ўқитувчилар улуши 39 фоиз).

1-жадвал маълумотлари орқали 2017-2021 йиллар давомида давлат олий таълим муассасалари талabalari, битирувчilarи ҳамда олий таълим муассасаларини тамомлаган битирувчilarни ишга жойлашиш кўрсаткичлари таҳлилини кўриш мумкин.

1-жадвал

Давлат олий таълим муассасалари талabalari тўғрисида маълумот

№	Кўрсаткич номи	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
1.	OTM талabalari сони	279 674	344 790	468 399	692 611	845 072
2.	OTM битирувчilar сони	65 223	67 461	66 955	72 424	94 534
3.	Доимий иш билан таъминланган OTM битирувчilarни сони	60 834	54 242	53 599	63 250	77 511

Манба: олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

Олий таълим тизимини 2030 йилгача ри-
вожлантириш концепцияси ҳамда тизимда са-
марали бошқарувни жорий этилиши натижаси-
да қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Олий таълим муассасаларининг 77 тасида
сиртқи, 28 тасида кечки таълим шакллари қай-
тадан жорий этилди, 12 тасида бакалавриат-
нинг 16 та таълим йўналиши бўйича масофавий
таълим шакли жорий этилди.

22 та хорижий мамлакатларнинг 60 дан
ортиқ олий таълим муассасалари билан ҳамкор-
ликда 300 га яқин қўшма таълим дастурлари
асосида кадрлар тайёрлаш ўйлга қўйилди.

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб, давлат
олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қи-
лишнинг давлат буюртмаси параметрлари фақат
давлат гранти бўйича тасдиқланиши белгиланди.
Тўлов-контракт асосидаги қабул параметрлари
бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик (идора) то-
монидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқартириш вазирлиги, Олий таълим, фан ва ин-
новациялар таълим вазирлиги билан келишилган
ҳолда тасдиқланади.

Барча таълим шакллари бўйича олий таъ-
лим муассасаларига ўқишга кириш учун ариза то-
пшириш рақамлаштирилди ва абитуриентлардан
қўшимча хужжатлар талаб этиш амалиёти бекор
қилинди.

Бакалавриат абитуриентларига бир вақт-
нинг ўзида 5 тагача таълим шаклида ҳамда таъ-
лим йўналишини танлаш имконияти берилди.

Давлат олий таълим муассасалари магис-
тратурасига қабул абитуриентнинг бакалавриат
диплом бали ўртacha кўрсаткичи асосида амалга
oshiрилиши ҳамда қўшимча имтиҳон ўтказилмас-
лиги, қабул бир йилда икки марта — август ва
январь ойларида ташкил этилиши белгиланди.

Олий маълумотли кадрларга эҳтиёж юқо-
ри бўлган олис, чекка ва тоғли ҳудудларда жой-
лашган умумтаълим мактаблари учун мақсадли
қабул кўрсаткичлари белгиланди.

Чет эл фуқароларини олий таълим муассаса-
сии томонидан ўтказиладиган сухбат натижаси-
са кўра ўқишга қабул қилиш жорий этилди.

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси-
нинг тавсияномасини олган, олий маълумотга
эга бўлмаган хотин-қизлар учун бакалавриат-
нинг кундузги таълим шакли бўйича умумий
белгиланган давлат гранти асосидаги қабул
параметрларига қўшимча 2 000 та давлат гран-
ти ажратилиши ўйлга қўйилди.

Давлат олий таълим муассасалари магис-
тратурасига талабаликка қабул қилиниб, тўлов-
контракт асосида таҳсил оләтган хотин-қиз-
ларнинг тўлов-контракт миқдори давлат бюд-
жети маблағлари ҳисобидан қопланиши белги-
ланди.

Олий таълим муассасаларига абитуриент-
ларни қабул қилишнинг умумий сонидан ноги-
ронлиги бўлган шахслар учун қўшимча равишида
икки фоизли квота ажратиш тартиби жорий
етилди.

Олий таълим муассасаларига абитуриент-
ларни қабул қилишнинг умумий сонидан “Меҳ-
рибонлик” уйи ва Болалар шаҳарчасининг бити-
рувчилари бўлган чин етимлар учун қўшимча
равишида бир фоизгача давлат гранти асосидаги
қабул квоталарини ажратиш тартиби жорий
етилди.

Магистратурада информатика, математи-
ка ва физика, табиий ва муҳандис-техник соҳа
мутахассисликлари бўйича қабул кўрсаткичла-
ри тўлиқ давлат гранти асосида белгилаш ама-
лиёти жорий этилди.

Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ олий
таълим муассасаларига имтиҳонларсиз давлат
гранти асосида ўқишга кириш бўйича имтиёзга
эга шахсларни умумий қабул параметрларидан
ташқари қўшимча давлат гранти асосида ўқиш-
га қабул қилиш ўйлга қўйилди.

Давлат олий таълим муассасалари магис-
тратурасига қабул абитуриентнинг бакалавриат
диплом бали ўртacha кўрсаткичи ҳамда хорижий
тилни билиш даражаси бўйича тегишли миллӣ
ёки халқаро сертификат бали асосида, баллар
кетма-кетлигига қатъий риоя қилган ҳолда
амалга оширилиши ҳамда қўшимча имтиҳон
ўтказилмаслиги белгиланди.

Хорижий олий таълим ташкилотларидан
давлат олий таълим муассасаларига талабалар
ўқишини кўчиришда тест синовлари фақат Дав-
лат тест маркази томонидан ўтказилиши ўйлга
қўйилди.

Давлат олий таълим муассасалари ўзида
ёки улар ўртасида талабалар ўқишини кўчириш
фақатгина талаба оила қуриши муносабати
билан турмуш ўртоғи доимий яшайдиган ҳудуд-
даги олий таълим муассасасига ўқишини кўчи-
риш учун ҳамда давлат органларининг ходимла-
ри иш жойи ўзгарган тақдирда унинг турмуш
ўртоғи ёки вояга етмаган фарзанди ўқишини
кўчиришда мурожаат қилганда амалга ошири-
лиши белгиланди.

Олий таълим муассасаларидаги ўқув
жараёни тўлиқ кредит-модуль тизимига ўтка-
зилди. Асос сифатида Европанинг ECTS (Euro-
pean Credit Transfer and Accumulation System)
тизими қабул қилинди.

41 та олий таълим муассасасига академик
ва молиявий мустақиллик берилиб, молиявий
барқарорликни таъминлаш, моддий-техника ба-
зани мустаҳкамлаш, контракт асосидаги қабул
параметрларини белгилашда мустақил ҳал
етиш имконияти яратилди. Ҳар бир олий таъ-
лим муассасаси томонидан ўқув режалар ва ўқув

дастурларини мустақил ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши тартиби жорий этилди.

UNESCO томонидан жорий этилган “Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси” (TXCK 2011) ва “TXCK: Таълим ва касбий тайёрлаш соҳалари” (TXCK-С 2013) асосида “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар” ва “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори” ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Янги стандартлар ва малака талаблари асосида кредит-модуль тизимида мос равища 625 та бакалавриат таълим йўналиши ва 634 та магистратура мутахассислиги бўйича ўқув режалар ҳамда 4,7 мингдан зиёд ўқув дастурлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Барча давлат олий таълим муассасаларида талабалар ўқув варақаси, рейтинг дафтарчasi, академик маълумотнома, дарс жадвали, давомат ва ўзлаштиришга оид маълумотлар, тўлов-контракт шартномалари рақамлаштирилди.

Олий таълим муассасасининг Қабул комиссияси раиси, аъзолари, имтиҳонлар жадвали, имтиҳон олинадиган фанлар дастурлари ва баҳолаш мезонларини тасдиқлаш олий таълим муассасалари томонидан амалга оширилиши ҳисобига жараёнлар соддалаштирилди.

Олий таълим муассасаларига раҳбар кадрларни лавозимга кўйиш ва лавозимдан озод этиш ваколати Кузатув кенгашларига берилиши ҳисобига раҳбар кадрлар лавозимларидағи узоқ муддат вакант бўлиб қолишининг олди олинди.

Таълим жараёнига олий таълим муассасаларидан олинадиган турли ҳисбот ва маълумотлар сонини кескин камайтириш, уларни тайёрлашнинг қофоз шаклидан воз кечиш, бошқарув тизимини рақамлаштириш мақсадида Рақамили университет лойиҳаси доирасида “Олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизими” (HEMIS – Higher Education Management Information Systems) ишлаб чиқилди.

Мазкур ахборот тизимида қатор ўқув модуллари яратилган бўлиб, унинг “Ўқув жараёни” модулида гурӯҳ журнали, дарс жадвали, имтиҳонлар жадваллари, талабанинг рейтинг дафтарчasi, ўзлаштириш қайдномалари, давомат ҳисботлари, диплом ва академик маълумотномалар рақамлаштириш жорий этилди.

“Олий таълим жараёнларини бошқариш” ахборот тизимининг “Таълим сифатини назорат қилиш” модули олий таълим муассасаларига тегишли бўлган 35 турдаги статистик маълумотлар ва ҳисботларни юклаб олиш имконияти яратилди.

Ҳозирги кунда мазкур ахборот тизимида 845 235 нафар талаба ва 32 390 нафар профес-

сор-ўқитувчи тўғрисидаги маълумотлар бўлиб, бу маълумотлар б 6 та вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ва “Электрон хукумат” тизимида интеграция қилинган.

Сўнгги йилларда ёшларнинг олий таълим билан қамров даражаси 9 фоиздан 32 фоизга оширилди, бу кўрсаткич 2022 йилда 38 фоизга етказилди.

Ўтган йиллар давомида давлат олий таълим муассасаларига қабул квоталари 55-60 минг атрофида ўзгаришсиз сақлаб келинган. 2022/2023 ўқув йилида эса давлат олий таълим муассасаларининг қабул кўрсаткичлари 197 858 тани ташкил этди. Бу эса олий таълим муассасаларига қабулни 3,5 бараварга ортганини кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида, олий таълим муассасаларида таълим бериш ва кадрлар тайёрлаш сифатига асосий эътибор қаратишина тақозо этса, ОТМлари раҳбарлари, соҳа мутахассислари ва профессор-ўқитувчиларнинг олдига муҳим ва маъсуюйиятли вазифаларни қўймоқда.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса сифатида, глобаллашув шароитида олий таълим тизимини ривожланган давлатларнинг тажрибаси асосида тадқиқ қилиш ва янгиликларни таълим тизимида жорий этиш, олий таълим тизимини янги инновацион, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этиш, таълим менежментини янги замонавий ёндашувлар асосида ривожлантириш, олий таълим тизимининг ташкилий ва бошқарув тузилмасини такомиллаштириш олий таълим тизимини ривожлантиришнинг муҳим омили саналади.

Юқорида таъкидланган фикрларга қўшимча равища, олий таълим тизими ва олий таълим муассасаларини ривожлантириша қўйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Олий таълим тизимининг меъёрий-хуқуқий базасини янада такомиллаштириш, олий таълим тизимида бир-бирини тақрорловчи функцияларни оптималлаштириш, олий таълим муассасаларини трансформация қилиш, таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириш, профессор-ўқитувчилар мақомини ошириш, олий таълим муассасаларини юқори 500 таликка кирган олий таълим муассасалари рейтингига киритиш чораларини кўриш, академик ва молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш асосида мустақиллик бериладиган олий таълим муассасалари сонини ошириш, профессор-ўқитувчиларни таълим тизими ривожланган хорижий мамлакатларда стажировка ўташларини янада кенгайтириш, олий таълим муассасалари хузурида бизнес инкубаторлар, форсайт марказлари фаолиятини йўлга қўйиши.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси. 2022 йил 20 декабрь, https://www.xabar.uz/jamiyat_shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlis-va-ozbekiston-xalqi.
2. www.unesco.org.
3. Marshall A. *Principles of Economics*. London: Macmillan. 1890.
4. Денисон Э.Ф. Исследование различий в темпах экономического роста. – М.: Издательство «Прогресс», 1971. – 646 с.
5. Дракер П. Посткапиталистическое общество // Ж. Экономика XXI века. – М., 1999, № 11. – С. 3-4.
6. Богуславский, М.В. Перспективы развития системы Высшего образования в России / М.В. Богуславский, Е.В. Неборский [Электронный ресурс] // Интернетжурнал «Науковедение». - 2015. - Т.7. - №3. - С. 139. - Режим доступа: <http://naukovedenie.ru/PDF/111PVN315.pdf>.
7. Lazar Vlasceanu, Laura Grinberg, and Dan Parlea. (2004). *Quality Assurance and Accreditation: A Glossary of Basic Terms and Definitions*. Bucharest: UNESCO [ISBN 92-9069-178-6].
8. Каримов А.А., Перегудов Л.В. Основы системы мониторинга и управления качеством высшего образования. – Т., 2003. Стр. 46.; Сайдов М. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти. – Т.: 2002. Б. 51.
9. Шеметова Н.К. Маркетинговая стратегия высшего учебного заведения: формирование и оценка эффективности реализации. Образование и наука. 2015;1(1):21-32. <https://doi.org/10.17853/1994-5639-2015-1-21-32>.
10. Э.Де Корте Анализ деятельности университетов Западной Европы: от оценки качества до аккредитации // Вопросы образование. – 2014, №4.-С.36-57; Harvey L., Green D. Defining Quality//Assessment and Evaluation in Higher Education. –1993, Vol.18.№1. -P. 9-34.